

---

## Конституция ва миллий қадриятларимиз

Қува тумани Қорақум маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида конституция саводхонлигини ошириш мақсадида маҳалла аҳолиси иштирокида “Конституция ва миллий қадриятларимиз” мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида туман адлия бўлими мутахассислари томонидан янги таҳрирдаги Конституциямиз, унинг мазмун моҳияти ҳақида тушунтиришлар бериб ўтилди.

Давра суҳбати давомида манавият ва маърифат бўлими, туман ҳокимлиги вакиллари сўзга чиқиб фикр мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

2023-12-02 10:41:56